



# Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari



[ppmedu.jspi.uz](http://ppmedu.jspi.uz)

Journal of pedagogy  
and psychology in  
modern education

Журнал педагогики  
и психологии в  
современном  
образовании

№2.  
2021

## МУНДАРИЖА

1	<i>Ҳамдамов Ҳайдарбек Каримович.</i> ОЛИЙ ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ҲАРБИЙ ПСИХОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ	
2	X.S.Akramova, Ropijonova Dilshoda Meliquziyevna. AQLI ZAIF BOLALAR NUTQIDAGI KAMCHILIKLARNI BARTARAF ETISHDA OILA VA MAKTAB NAMKORLIGINI AMALGA OSHIRISH YO'LLARI	
3	ПулатоваНазираМелиевна. ЭСТЕТИЧЕСКОЕ ВОСПИТАНИЕ КАК ФАКТОР ДУХОВНОГО СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ЛИЧНОСТИ	
4	N. Jumanova. SHAXS TARAQQIYOTIDA PSIXOLOGIK NUQSONLARNING OLDINI OLISH	
5	Санаккулова.Зилола.Абдухакимовна, ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДАГИ ЯНГИ ЙЎРИҚНОМАЛАРНИНГ АСОСИЙ МАНБАИДИР	
6	Содиқова Дилфуза Ропижоновна.ЁШЛАРИМИЗДА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ	
7	Зармасов Ш.Р. ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ РЕФЛЕКСИВ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ШАРОИТЛАРИ	
8	N. Jumanova.FAOLASHTIRUVCHI, JADALLASHTIRUVCHI PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING MAQSAD VA VAZIFALARI	
9	Қодирова Маликахон Қахрамоновна.МАШҒУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ	
10	Haqberdiyev Jamoliddin Abdug'affor o'g'li, Mannonova Nozima Jalol qizi.NUTQNING KECIKISHIGA TA'SIR QILUVCHI OMILLAR VA UNI BARTARAF ETISH YO'LLARI	
11	Мунарова Р. У, Абдумуминов Ж.О.ФАКТОРЫ, МЕТОДЫ И ФОРМЫ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ	
12	Шакарбоева Ш.А. БЎЛҒУСИ ПЕДАГОГЛАРДА ЎЗ УСТИДА ИШЛАШ ФАОЛИЯТИНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	
13	Исоқулов Мамадоли Рузимуродович.ФОРМИРОВАНИЕ МЫШЛЕНИЯ МОЛОДЁЖИ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ – ВОСПИТАНИЯ	
14	Alimova Qunduz Oybek qizi, Ungarov Behzodbek Turg'un	

	o`g`li.ZAMONAVIY MENEJER FAOLIYATI	
15	Majidov Jasur Baxtiyarovich.O`SMIRLIK DAVRIDA YOLG`IZLIK HISSI NAMOYON BO`LISHINING AYRIM XUSUSIYATLARI	
16	Каршибаева Дилфуза Бурлиевна, Саттарова Феруза Рустам кизи КРИТИЧЕСКОГО МЫШЛЕНИЯ У ПОДРОСТКОВ	
17	Ж.Мажидов. ЁШЛАРНИНГ ОИЛАВИЙ ҲАЁТ ҲАҚИДАГИ ТАСАВВУРЛАРИ ВА ОИЛАВИЙ ҲАЁТДАН ҚОНИҚИШ УЙҒУНЛИГИ МАСАЛАЛАРИ	
18	Одина Ўралова. Абу Наср Фаробий илмий-ижодий меросида манавий – ахлоқий ғоялар талқини	
19	Azamat Juraboyevich Usmanov .IQTISODIY SAVODXONLIK VA IQTISODIY TA`LIMNING TARBIYAVIY AHAMIYATI	
20	Muxammadiyeva S, AHMAD YASSAVIYNING KOMIL INSONNI TARBIYALASHGA OID QARASHLAR	
21	O.A. G`aniyev, O`ralov A.A. BOLALARNI OILADA IJTIMOIIY HAYOTGA TAYYORLASHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK JIHATLARI	
22	Пардаева Комила Умирзақовна, Тангирова Феруза.ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ТАРБИЯСИНИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ОРҚАЛИ СИНГДИРИШ ЙЎЛЛАРИ	
23	Tashpo`latova Nodira Xudjamuradovna.YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA –O`QUVCHILAR RUHIYATINI HISOBGA OLISH	
24	Mirsaid Yunusov Xudayarovich.ESHITISH QOBILIYATINI RIVOJLANTIRISH DARSLARIDA MULTIMEDIA VOSITALARIDAN FOYDALANISH METODIKASI	
25	Ш.У.Камолова .УМУМИНСОНИЙ КАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАЛАБАЛАР ДУНЁҚАРАШИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ	
26	Махмонов Уктам Аширович.КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ МУСТАҚИЛ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ	
27	Хайитгул Музаффарова, Исматуллаев Отабек. АҚЛИ ЗАИФ БОЛАЛАРНИ ТАШХИСЛАШ ВА УНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	
28	N. Jumanova, KATTA GURUH BOLALARINI BADIY ADABIYOTGA MEHR UYG`OTISHNING O`ZIGA XOS	

	XUSUSIYATLARI	
29	А.Собиров.ПСИХОЛОГИЯ ФАНИДАН ИНДИВИДУАЛ ХУСУСИЯТЛАРНИ ЎРГАНИШДА ИНОВАЦИОН ЁНДАШУВ	
30	Содиқов Ҳамид Махмудович , Содиқова Дилфуза Ропижоновна ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИ ЁШ АВЛОД ОНГИГА СИНГДИРИБ БОРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИХАТЛАРИ	
31	Қаршибоева Гулноза Абдуқодировна.СУИЦИДАЛ ХУЛҚ МУАММОСИНИ ЎРГАНИЛИШНИНГ ТАРИХИЙ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ	
32	Холдорова Г.М, Камолов Е.Ш.МИРЗАЧЎЛДА АТРОФ-МУҲИТНИ МОНИТОРИНГ ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ	

## МАШҒУЛОТЛАР ВА УЛАРНИНГ БОЛА ИДРОКИНИ ШАКЛЛАНИШИДАГИ АҲАМИЯТИ

**Қодирова Маликахон Қахрамоновна**  
**Жиззах давлат педагогика институти**

**Аннотация.** Ушбу мақолада мактабгача таълим муассасасида олиб бориладиган машғулотлар орқали болалар идрокини шакллантириш ва ривожлантиришнинг аҳамияти ёритиб берилган.

**Калит сўзлар:** машғулот, бола идроки, ўйин, фаолият, тарбиячи, гуруҳ, муҳит, педагог ходим, мактаб, “Мен” концепцияси, тушунча, англаш, билиш, ақл, қобилият.

**Аннотация:** В статье указана роль и важность обучения в формировании восприятия детей.

**Ключевые слова:** занятие, ребенок, игра, деятельность, группа, среда, педагог, школа, понимание, знание, познание, разум, концепция "Я", способность.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 29 декабрдаги “2017-2021 йилларда мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2707-сонли қарори ижросини таъминлашда болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурларини татбиқ этиш, малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, таълим муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ишларини изчил давом эттириш мақсад қилиб олинди.

“Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари режаси ишлаб чиқилди. [4]

Бугунги кунда мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама ривожланган, жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънавий жиҳатдан шаклланган этиб вояга этказиш долзарб вазифалардан бири бўлиб келмоқда. Бу каби вазифаларни амалга оширишда албатта замон талабига мос келадиган Давлат талабларини янги, қўшимчалар киритилган вариантини ишлаб чиқиш зарурати туғилди. Шулардан келиб чиққан ҳолда, бир қатор олим ва тажрибали амалиётчилар иштирокида ушбу Давлат талаблари яратилди. Ўз навбатида мактабгача таълимга қўйиладиган давлат талаблари «Таълим тўғрисида»ги қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»га мувофиқ ишлаб чиқилган. Яратилган Давлат талаблари кўп жиҳатдан мавжуд бўлган Давлат талабларидан кескин фарқ қилади. Биринчидан, янги турдаги Давлат талаблари болаларнинг асосан психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Иккинчидан, йўналишларида фарқ бор. Учинчидан, болаларнинг ёш кўрсаткичлари орасидаги интерваллар узайтирилган. [3]

Мактабгача таълимга қўйиладиган Давлат талаблари болаларнинг психологик хусусиятларига асосланган ҳолда таълим-тарбия жараёнини белгилаб беради. Шунинг учун мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларидан психологияга оид билимларини янада чуқурлаштириш талаб этилади.

Бугунги мактаб боласидан аниқ билимларгина эмас, фикрлаш кўникмаси, катталар ва тенгдош ўртоқларини тушуниш, улар билан ҳамкорлик қилиш ҳам талаб этилади. Шунинг учун бола мактабга қадам қўяётганида қанчалик билимга эга эканлиги эмас, балки унинг янги билимларни эгаллашга тайёрлиги, атроф-оламга мослашиши кўникмаси, воқеа-ҳодисани мустақил равишда таҳлил этиши ва мустақил ҳаракат қилиши муҳимроқ ҳисобланади.

Болани бирор нарсага ўргатишигина эмас, унда ўз кучига ишончни орттириш, ўз ғоясини ҳимоя қилиш, мустақил равишда бир қарорга келиш ҳамда унда “Мен” концепциясини шакллантириш ҳам муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасида «Давлат мактабгача таълим муассасаси тўғрисидаги Низом»га мувофиқ бола мактабгача таълимни уйда, оналарнинг мустақил равишда таълим ва тарбия бериши орқали ёки доимий фаолият кўрсатадиган мактабгача таълим муассасаларида, шунингдек, муассасага жалб қилинмаган болалар учун мактабгача таълим муассасаларида, мактабларда, маҳаллаларда ташкил этилган махсус гуруҳлар ёки марказларда олади. [3]

Мактабгача ёшдаги боланинг мактаб таълимига ўтиши ҳамиша унинг ҳаёти, ахлоқи, қизиқиш ва муносабатларида жиддий туб ўзгаришларни юзага чиқаради. Шунинг учун мактабгача ёшдаги болани мактабгача таълим муассасасида ёки уйда мактаб таълимига тайёрлаш, боланинг ёш хусусиятига доир билим, кўникма ва малакалар билан таништириш керак бўлади. Бундай таништирув мослашув даврининг жиддий қийинчиликларидан халос бўлишга ёрдам беради.

Боланинг мактабга тайёргарлиги ундаги идрок, кузатиш, хотира, тафаккурнинг ривожланиши, вақт ва фазовий тушунчалар олами, ижтимоий ҳодисалар ҳақидаги тасаввурларнинг шаклланиши билан белгиланади. Йўналишлар асосий бўлимларга бўлинган ва шу билан биргаликда, улар боланинг меъёрда ривожланиш кўрсаткичларини акс эттиради.

Шу билан бир қаторда мактабгача таълимнинг турли шакллари тармоғи (илк ривожланиш марказлари, яқшанбалик, қисқа муддатли гуруҳлар, хусусий мактабгача таълим муассасалари)ни кенгайтириш ва таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш, ҳар бир мактабгача таълим муассасасини болаларнинг интеллектуал ва мантиқий фикрлаш қобилиятини эрта ривожланишига кўмаклашувчи кўрғазмали қўлланмалар, дидактик материаллар, шунингдек қўл моторикасини ривожлантирувчи мантиқий ўйинлар ва ўйинчоқлар билан бюджет маблағлари ҳисобидан таъминлаш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш ишларини яхшилаш мақсадида расмий қўлланмалар тайёрланди, нашр қилинди ҳамда мактабгача таълим муассасаларига бепул тарқатилди.

Болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш, таълим-тарбия бериш орқали болаларни мактаб таълимига сифатли тайёрлаш, болаларни мактабгача таълим билан қамраб олиш мактабгача таълим муассасасининг мақсади ҳисобланади. Шундай экан, боланинг ҳар томонлама шаклланиши ва ривожланиши ундаги билиш жараёнларининг ривожланиши билан боғлиқ. Айнан боланинг идрок жараёнига алоҳида тўхталиш лозим бўлади. Бола идрокини шакллантириш ва ривожлантириш долзарб бўлиб, бу ўз навбатида бир қатор педагоглар, психологлар ҳамда мактабгача таълим муассасалари тарбиячи ва психологлари олдига бир қатор вазифаларни қўяди. [2]

Ушбу вазифаларни амалга оширишнинг асосий мезони бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Таълим тўғрисида” ги қонун, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”, Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг таълим-тарбия жараёнини такомиллаштиришга оид ёндашувлари, тадқиқот мавзусига оид илмий-педагогик, фалсафий, психологик манбалар, педагогика фани концепсиялари; файласуф, психолог, педагог ва методистлар эътироф этган педагогик технология муаммолари қабилар. [1]

Болани атроф-муҳит билан таништириш, табиат билан таништириш, илк математик тасаввурларни шакллантириш, ижтимоий-ҳиссий ривожлантириш, нутқ ўстириш, бадий адабиёт билан таништириш, тасвирий фаолият, жисмоний тарбия, муסיқага ўргатиш мактабгача таълимга оид вазифалар бўлиб, бу машғулотлар орқали бола идроки шакллантирилади. Масалан, табиат билан таништириш машғулотларида жонли табиат, яъни мевалар билан таништириш машғулоти алоҳида ўринга эга. Мевалар билан таништиришда расмлар, мевалар (ёз фаслида) ҳамда видео лавҳалардан фойдаланиш мумкин бўлади. Бу бола идрокини янада ривожланишини таъминлайди. Боланинг мевалар ҳақидаги тушунчалари ривожланади. Меваларнинг кўриниши, хажми, шакли, ранги, ҳиди, таъми билан бирга уларнинг фойдали хусусиятларини ҳам билиб оладилар. Видео лавҳада мевалардан тайёрланадиган маҳсулотлар, дорилар, витаминлар ва уларнинг аҳамияти ҳақида тушунчаларга эга бўладилар. Шундан сўнг болаларга мужассам машғулот сифатида мевалар расмини чизиш орқали олган тушунчалари мустаҳкамланади. (Расм машғулотини ўрнига аппликациядан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу машғулотлар боланинг қўл моторикасини ривожлантириш учун ҳам аҳамиятлидир). Машғулот якунида болалар билан бирга ”Мевалар” ўйинини ўйнаш мумкин бўлади. [3]

Бола идрокини шакллантириш ва ривожлантиришга оид яна бир машғулот фасллар ҳақида тушунчалар беришдан иборатдир. Ушбу машғулотни қуйидаги тартибда ташкил этиш мумкин:

### **Машғулот мавзуси: Мен севган фасл**

#### **Мақсад:**

Болаларнинг қайси фасл ёқиши ҳақидаги фикрларини билиш, баҳор фасли бўйича тушунчалар бериш, баҳор фаслидаги байрамлар ҳақида

тушунча бериш. Болаларнинг фаолиятлар орқали баҳор фаслини акс эттиришларини аниқлаш. Мазкур фаслга оид ўйинлар ўргатиш.

**Керакли жиҳозлар:**

Ҳамма фасл акс эттирилган расмлар, баҳор байрамларини акс эттирувчи расмлар, рангли қоғоз, елим, қайчи, қалам ва расм дафтар.

**Машғулотнинг бориши:**

**Тарбиячи:** Болалар бир йилимизда нечта фасл бор?

**Болалар:** Тўртта фасл бор.

**Тарбиячи:** Қани, бирин-кетин уларнинг номларини айтайликчи.

**Болалар:** Қиш, баҳор, ёз ва куз.

**Тарбиячи:** Сизга қайси фасл кўпроқ ёқади ёки қайси фаслни севасиз?

**Болалар:** Баҳор

**Тарбиячи:** Жуда яхши. Мен ҳам бу фаслни жуда ҳам ёқтираман. Қани, ҳаммамиз қўлларимизни қаттиқроқ ушлайликчи. Энди эса секин-аста юмшатиб қўйиб юборамиз. Демак, биз қиш фаслидан баҳор фаслига кириб келдик. Баҳор фаслида ҳаммаёқ ям-яшил тусга киради. Об-ҳавомиз қандай бўлади?

**Болалар:** Илик, баъзи-баъзида ёмғир ёғади. Лекин об-ҳаво илик бўлиб, қуёш чарақлаб чиқиб туради.

**Тарбиячи:** Яхши болалар, баҳор фаслининг элчиси бўлиб қайси қуш биринчи бўлиб учиб келади?

**Болалар:** Қалдирғоч

**Тарбиячи:** Тўғри, қайси дарахт биринчи бўлиб гуллайди?

**Болалар:** Бодом ва ўрик

**Тарбиячи:** Тўғри болалар, бодом ва эрта пишар ўриклар биринчи бўлиб гуллайди. Болалар сизлар жуда ҳам баҳор фаслини яхши кўрар экансиз. Бу фаслдаги байрамлар ҳақида ҳам биласизларми?

**Болалар:** Ха, бу фаслимиз ўз ичига март, апрел, май ойларини олиб, байрамларга бой фасл ҳисобланади.

**Тарбиячи:** Болалар 8-март “Халқаро хотин-қизлар байрами” яъни онажонларимиз, опагонларимиз, сингилжонларимиз байрами. 21- март Наврўз байрами, яъни янгиланиш, яшариш байрами. 9-май Хотира ва кадрлаш куни.

**Тарбиячи:** Яхши болалар, қани энди биз хоҳлаган столимизга бориб, баҳор фаслини акс эттирайликчи.

Болалар ўзлари яхши кўрган баҳор фаслининг расмини дафтарга қирқиб, ёпиштириш орқали акс эттиришади.

**Тарбиячи:** Келинлар болалар, шу фаслга мос ажойиб бир ўйин ўйнаймиз. Ўйинимизнинг номи “Баҳорой ва ёмғирой”. Мен сизларга ўйинимизнинг шартини тушунтириб бераман. Қўлимдаги мана бу шилдирикни тез шилдиратсам демак ёмғир ёғаётган бўлади. Биз тезда соябон тагига қочамиз. Агар мен шилдирикни аста-секин, бирин-кетин чалсам, сизлар лола, лолақизғалдоқлар териб саватингизга соласиз. Энди эса ўйинимизни сизлар билан биргаликда ўйнаймиз. Яхши болажонлар, энди ўйинимизни шу тарзда сайрда давом эттирамиз.



Хулоса қилиб айтганда ҳар бир машғулот бола идрокининг шаклланиши ва ривожланиши учун муҳим экан, машғулотларнинг ҳар томонлама қизиқарли, бола ёшига хос, лаёқатини ҳисобга олган ҳолатда амалга оширилиши ва энг муҳими барча болаларнинг педагогик ва психологик ривожланганлик даражасини инобатга олган ҳолда амалга оширилиши ҳозирги кун талабларидан биридир.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент.: Ўзбекистон. 2017, 488-бет
2. Нишонова З.Т, Алимова Г.К. “Болалар психологияси ва уни ўқитиш методикаси” 2005 й. 145-бет
3. “Болажон” таянч дастури
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мактабгача таълим тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. Тошкент шаҳри, 2017 йил 9 сентябр.
5. Malika Qodirova, Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'rni, Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №41 (science.i-edu.uz, jspi.uz).
6. Malika Qodirova, РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ , Архив Научных Публикаций JSPI: 2020: Архив №52 (science.i-edu.uz, jspi.uz).
7. Qodirova, M. (2020). Voyaga yetmagan o'smirlar xulq atvorini shakllantirishda olib boriladigan ishlar mazmuni. Архив Научных Публикаций JSPI.
8. Qodirova, M. (2020). Особенности периода взросления подростка. Архив Научных Публикаций JSPI.
9. Qodirova, M. (2020). Bolalar idrokini rivojlantirishda mashg'ulotlarning o'rni. Архив Научных Публикаций JSPI.
10. Qodirova, M. (2020). Psixologiya fanlarini o'qitishda zamonaviy texnologiyalarning o'rni va ahamiyati. Архив Научных Публикаций JSPI.
11. Qodirova, M. (2020). РОЛЬ ЗАНЯТИЙ В ФОРМИРОВАНИИ И РАЗВИТИИ СПОСОБНОСТИ РАЗМЫШЛЕНИЯ У ДЕТЕЙ. Архив Научных Публикаций JSPI.
12. Qodirova, M. (2020). KICHIK MAKTAB YOSHI O 'QUVCHILARINI HAR TOMONLAMA SHAKLLANTIRISHNING PSIXOLOGIK XUSUSIYATLARI. Архив Научных Публикаций JSPI.
13. Qodirova, M. (2020). Shaxsning ichki konfliktlari va mexanizmlari. Архив Научных Публикаций JSPI.
14. Hamdamov, N. (2020). Абу Наср Форобийнинг психологик қарашлари. Архив Научных Публикаций JSPI.
15. Hamdamov, N. (2020). УЧУВЧИ РУҲИЯТИ. Архив Научных Публикаций JSPI.
16. Hamdamov, N. (2020). Психологияда ижтимоий интеллект муаммоси. Архив Научных Публикаций JSPI.
17. Hamdamov, X. (2021). МНОГОЗНАЧИТЕЛЬНОСТЬ ОБУЧЕНИЯ ВОЕННОЙ ПСИХОЛОГИИ В СИСТЕМЕ ВЫСШЕГО ВОЕННОГО

- ОБРАЗОВАНИЯ. Журнал Педагогики и психологии в современном образовании, 1(1). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/1374>
18. Axmedova, N. (2020). ОСНОВНЫЕ ПРАВИЛА САМОВОСПИТАНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5495](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5495)
19. Axmedova, N. (2020). ЎҚИТУВЧИ КАСБИГА ХОС СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5498](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5498)
20. Axmedova, N. (2021). БЎЛАЖАК ЧЕТ ТИЛ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ПЕДАГОГИК АМАЛИЁТГА ТАЙЁРЛАШДА ИНТЕГРАТИВ ПРИНЦИПЛАР. *Мир исследований*, 1(1).
21. Axmedova, N. (2020). ИНТЕРНЕТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ЮТУКУЛАРИДАН ОДИЛОНА ВА МАЦСАДЛИ ФОЙДАЛАНИШ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(52). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/4918](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/4918)
22. Axmedova, N. (2020). ЎҚИТУВЧИ КАСБИГА ХОС СИФАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК АСОСЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5498](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5498)
23. Axmedova, N. (2020). ОСНОВНЫЕ ПРАВИЛА САМОВОСПИТАНИЯ ЛИЧНОСТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
24. Axmedova, N. (2020). ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
25. Axmedova, N. (2020). ОИЛАДАГИ ПСИХОЛОГИК МУХИТНИНГ БОЛА ШАХСИ ШАКЛЛАНИШИГА ТАЪСИРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 1(43). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/5499](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/5499)
26. Axmedova, N. (2020). Features Of Formation Of Punctual Abilities And Letters Of Letter Of Letter. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 23(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/1562](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1562)
27. Munarova, Rano1970. (2020). Инновационные методы преподавания психологии и связь с педагогикой. *Архив Научных Публикаций JSPI*, 20(1). извлечено от [https://science.i-edu.uz/index.php/archive\\_jspi/article/view/1601](https://science.i-edu.uz/index.php/archive_jspi/article/view/1601)